*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 15 апрель ● сешанба ● № 17 (576) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

● Шу сонга хабар

## АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида тузилган тадбирлар режасига биноан ҳозирда шаҳар маҳаллаларида ҳуқуқий тарғиботга бағишланган учрашувлар бўлиб ўтмоқда.**

Улардан навбатдагиси Ҳамза тумани фаоллари иштирокида ўтказилди. Туманнинг "Ал-Бухорий" маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, тажрибали ҳуқуқшунослар, туман маҳаллалари раислари, маслаҳатчилари, уй бекалари ва маҳаллалар фаоллари иштирок этишди.

**Адлия вазирлиги**
**Ахборот хизмати**

● Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

# ТОШКЕНТ КУРАНТИ

**Президентимизнинг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан барча юртдошларимизнинг кўнгли ғурур-ифтихорга тўлди, десак хато бўлмайди. ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган бу қутлуғ санани нишонлаш тинч ва барқарор ҳаёт кечираётган, жаҳон билан бўйлашаётган Мустақил Ўзбекистон мавқеини янада оширилиши шубҳасиз. Озод юртимиз пойтахти, гўзал Тошкентнинг бугунги жамолини ташриф буюрган меҳмонлар ҳам бот-бот эътироф этишади.**

**Газетамизнинг шу сонидан бошлаб азим Тошкентнинг диққатга сазовор бетакрор ва ўзига хос тарихий гўшалари ҳақида мақолалар бериб борамиз. Бугунги сўзимиз Тошкент куранти ҳақида.**

1947 йилда иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг икки йиллиги муносабати билан пойтахтимизнинг қоқ марказида Ғалаба монументи қурилиши режалаштирилади. Ёдгорлик икки ой ичида қуриб битказилади. Яъни, ҳозирги курант жойлашган минора қад ростлайди. Ёдгорлик ўша йили Тошкентда қурилган Алишер Навоий номидаги театр биносининг меъморчилик усули таъсирида ишланган. Хуллас, ёдгорлик очилишига саноқли кунлар қолганда, қурилиш мутлақо бошқача манзара касб этади.

Кутилмаганда ёдгорлик ўрнига 1947 йилнинг апрелида Курант қад ростлайди.

1947 йил 30 апрель. Тошкент аҳли илк бор ўз шаҳрида Курант соати зангини эшитди. Демак, бу йил 30 апрелда Тошкент Куранти роппа-роса 61 ёшга тўлади.

Энди минорага мос тушган маҳобатли соат қаердан олиб келингани ҳақида.

Курант соати Германиядан олиб келинган. Уни 1946 йилда Тошкент шаҳрига Айзенштейн деган ҳарбий киши совға қилган. Айтишларича, у Тошкентда туғилиб ўсганлиги учун бу ноёб туҳфани она шаҳрига тақдим этган экан. Афсуски, ўша пайтда лейтенант унвонида бўлган Айзенштейннинг тақдири ва оила аъзолари ҳақида маълумот тополмадик. Курант икки бора оғир кунни бошидан кечирди. Бу — 1948 ҳамда 1966 йилда содир бўлган ер силкиниши. Ҳар иккала зилзилада ҳам Курант мустаҳкам турди, дарз кетмади, чиройини йўқотмади. Шаҳримиздаги барча гўзал масканлар қатори Курант ҳам пойтахтимизнинг энг жозибали гўшаларидан бири, қолаверса, шаҳарнинг жонли, тирик юраги сифатида эъзозланади.

... Энди курантнинг шакл-шамойили хусусида. Олинган маълумотларга кўра Курантнинг режадаги ўлчови 23,0х1,8 метр қилиб белгиланган. Миноранинг баландлиги 28,7 метр. Миноранинг ўлчови 4,1х4,1 метр. Минора ичида махсус хона бор. Унда соатни юргизадиган механизм мавжуд. Механизм хонасига минора ичида ўрнатилган зинапоя орқали чиқиб борилади.

Эзгулик ва яхшилик унутилмайди. Бугун мана, неча йиллар ўтиб, Тошкент шаҳрига Курант соатини туҳфа қилган инсон ҳамда лойиҳа муаллифи, бу ишга бош-қош бўлганлар хотирланмоқда.

Тошкент Курантининг занги кишини ҳамон сергакликка, ҳушёрликка чақириб, ҳаётнинг давомийлигини эслатиб турибди.

Курант ҳақида чуқурроқ ўйласангиз, у яна кўп нарсаларни ёдга солади, яна кўп фикрларни уйғотади. 61 йилдан буён кўплаб воқеа-ҳодисалар гувоҳи бўлган Курант бундан буён ҳам Тошкентимизнинг рамзи, уриб турган юраги, фахру ифтихори бўлиб қолаверади.



**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

● Бугун — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Халқаро олимпия қўмитасига аъзо бўлган кун

# ЖАҲОН САҲНИГА ЙЎЛ

**Ислом КАРИМОВ:**
***Олимпиада — нафақат спорт беллашувлари, айни пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос мезондир.***







*1992 йил 21 январь куни юртимизда Миллий олимпия қўмитаси ташкил этилди.*

***Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси 1993 йил 15 апрель куни ўз сафига 200дан ортиқ мамлакатни бирлаштирган Халқаро олимпия қўмитасининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.***

### Миллий олимпия қўмитасининг вазифалари

***Бугун Ўзбекистонда оммавий спортни ривожлантириш, жаҳон ареналарида юрт довруғини кўтариш, миллий спорт ўйинларини дунё миқёсида тарғиб қилиш, мамлакат ёшларини спорт ўйинларига жалб этиш, жисмоний маданиятни юксалтиришда малакали мутахассисларни тайёрлаш, спорт мажмуаларини ташкил этиш ҳамда маънан ва жисмонан баркамол миллий терма жамоаларни шакллантиришдан иборат.***

### Ватан байроғини юксак кўтарганлар

***Олимпиадада қўлга киритилган ғалабалар Ўзбекистоннинг жаҳонда ўз ўрни ва мавқеи борлигини кўп бора исботлади. Мамлакат нуфузини дунё саҳналарида юксак кўтарган ҳамюртларимиз сафида Лина Черьязова (Лиллехаммер, 1994 йил, фристайл спорт тури бўйича), Муҳаммадқодир Абдуллаев (Сидней, 2000 йил, бокс бўйича), Артур Таймазов (Афина, 2004 йил, эркин кураш бўйича), Александр Дохтуришвилилар (Афина, 2004 йил, грек-юнон кураши бўйича) бор.***

***Бундан ташқари, 14 нафар олимпия совриндорлари ҳам мамлакатимиз байроғини юксакларга кўтарган.***

***

***2008 йил 8-24 август кунлари Пекинда XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари ўтказилади.***

***Ҳозиргача 31 нафар спортчимиз ушбу мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган.***

## Тизим тадбирлари

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси ҳамда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда вилоят "Ёшлар маркази"да вилоятда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида "Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.**

### МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Учрашувда Ўзбекистон республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциациясининг 2007 йил давомида амалга оширган ишлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавжуд муаммолари, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар муҳокама қилинди.

**Ўткир АЗИМОВ,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Сурхондарё вилояти адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида тадбир бўлиб ўтди.**

### СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Ушбу учрашув тадбирида "Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш", "Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний тарзда етиштиришнинг, сотишнинг ва истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари" ҳақида маърузалар қилинди ва тадбир иштирокчиларининг саволларига жавоблар берилди. Музработ тумани ҳокимлигининг мажлислар залида бўлиб ўтган тадбирда иштирокчиларнинг барча саволларига жавоб топилди.

**Қоржов ЧОРИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг ташаббуси билан Гулистон тумани иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йилнинг 26 июнида қабул қилинган "ОИТС билан касалланишнинг олдини олишни кучайтириш чоралари тўғрисида"ги қарори ва унда белгиланган вазифаларнинг мазмун ва моҳияти, умуман мазкур қонун ҳужжатининг айни пайтдаги ижроси юзасидан семинар бўлиб ўтди.**

### ЯНА БИР МУҲИМ ТАДБИР

Йиғилишда сўз олган туман ФҲДЁ бўлими мудираси Матлуба Умматқулова хасталикнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг оқибатлари ҳақида сўзлаб берди.

Тадбирда қатнашган вилоят соғлиқни сақлаш ва ички ишлар бошқармалари масъул ходимлари юқорида номи зикр этилган қарорнинг жойлардаги ижроси юзасидан қатнашчиларга кенг тарзда маълумот бердилар.

**Гулҳаё РАСУЛОВА,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларини туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари" муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди.**

### ТИББИЁТЧИЛАР СЕМИНАРИ

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ҳудуддаги тиббиёт муассасаларида қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳисобга олиш ишларини қоидалар асосида йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга мазкур қоидаларнинг назарий ҳамда амалий қўлланилиши юзасидан батафсил тушунтириш ва тегишли кўрсатмалар берилди.

**Отабек ИСМОИЛОВ,**
**Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Тизим тадбирлари

● Тақдимнома киритилди

# БЕФАРҚЛИК

## ёхуд қонунни била туриб унга амал қилмаган амалдорлар хусусида

**Адлия идоралари фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан мунтазам иш олиб борадилар.**

Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан Вобкент туманида **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг ижроси ўрганилганда туманда бу масалаларга етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги кузатилди.

Хусусан, 2007 йилнинг 28 январида тумандаги Талигандум қишлоғида яшовчи Мансур Аҳмедовнинг томорқа учун ер ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига қилган мурожаатига ўша йилнинг апрель ойидагина жавоб хати юборилган. Шунингдек, туманнинг "Янгикент" ҚФЙ, "Куршик" қишлоғида яшовчи фуқаро Ж.Жалолов, Назораттепа қишлоғида яшовчи Ж.Файзиев, "Пирмаст" ҚФЙ, "Новвойлар" қишлоғида яшовчи фуқаро Б.Бўронов, "Қўлдош" қишлоғида яшовчи фуқаро И.Раҳмоновларнинг томорқа учун ер ажратиб беришни сўраб қилган мурожаатларига 3-4 ой давомида жавоб хати юборилган. Бу билан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасидаги "Мурожаатлар келиб тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши" шарт эканлигига доир талабга риоя этилмаган. Ажабланарлиси, туман ҳокимлигидан олинган жавоб хатлари "Мурожаатларингиз рўйхатга олиниб, экин йиғим мавсуми тугаганидан сўнг белгиланган тартибда кўриб чиқилади" — деган бир хил мазмунга эга бўлиб қолган. Демак, мурожаатларнинг биронтаси ҳам ижобий ҳал этилмаган.

Ана шу каби ҳолатларни аниқлаш, хусусан, ҳокимлик фаолиятида йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида 2008 йил 18 февралда вилоят адлия бошқармасининг туман ҳокими номига киритган тақдимномаси асосида бу камчиликларга йўл қўйган туман ҳокимининг ўринбосари Б.Холиқов, иш юритиш бўлими раҳбари И.Саноқуловлар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганлар.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан туман марказий шифохонасида Меҳнат кодексининг талаблари ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишлар давомида ҳам бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги кузатилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори ҳамда Меҳнат кодексининг 82,



96, 182, 220-моддалари талабларига етарлича риоя қилинмаган, фуқаролар соғлиғини сақлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланмаган. Адлия бошқармасининг жорий йил 18 февралдаги Вобкент туман марказий шифохонаси бош шифокори номига киритган тақдимномасига асосан шифохонанинг бир неча ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди. Жумладан, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйгани учун шифохона кадрлар бўлими бошлиғи З.Юсупова билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин, албатта. Биргина 2008 йилнинг ўтган уч ойи давомида республикамиз бўйича қонунчилик юзасидан кўрилган тадбирлар натижасида 244 нафар айбдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиб, уларнинг 20 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Қолаверса, 5 нафар мутассадди шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Бинобарин, инсон манфаатларига путур етказадиган ҳар қандай хатоликлар изсиз қолиб кетмайди ва бунга йўл қўйган шахслар қонун олдида белгиланган тартибда жавоб беришлари муқаррар.

**Адлия вазирлиги**
**Ахборот хизмати**

● Адлия аралашгач

# НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВЛАР

**Тадбиркорлик билан шуғулланиш мамлакатимиз фуқароларининг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, бу ҳуқуқларнинг юзага чиқарилишига давлат ҳар томонлама кўмаклашади, уларни тўла кафолатлайди. Зеро, тадбиркорлик тараққий топган давлатгина иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, гуллаб-яшнаши мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан адлия органлари зиммасига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида юклатилган асосий вазифалардан бири назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлашдир.

Шундай экан Таҳлилларга кўра, айрим ҳолларда назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахслар фаолиятига ноқонуний аралашиш, ноқонуний текшириш ҳатто ноқонуний маъмурий жавобгарликка ва молиявий жазога тортиш каби қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда.

# Ислом КАРИМОВ:

## Қонунчилик, ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқий

**Мазкур қўшсаҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий**

● Тадбир

## ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ САМАРАДОРЛИГИ

**Фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий воситаларидан бири аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласидир.**

Бу муҳим масала кенг қамровли мазмун-моҳиятга эга бўлиб, ўз навбатида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида "Ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш муаммолари ва ечими" мавзуида ўтказилган семинар ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли вазирликлар ва идоралар, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш ва уларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилашда ҳуқуқий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини янада оширишнинг чора-тадбирлари, бу мақсадларга эришиш йўлида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Семинар иштирокчилари ёшларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини билиши ва бу билимларни амалда татбиқ эта олиши фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилишида муҳим восита эканлигини эътироф этган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалиши ана шу жараён билан узвий боғлиқлигини таъкидлашди. Зеро, ҳуқуқий маданият — бу фуқароларнинг қонунларни билишинигина эмас, балки энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш зарурлигини белгилайдиган, жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун хизмат қиладиган мезондир.

Семинарда жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маъруза ва муҳокамаларда ҳуқуқий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини аҳолига содда қилиб тушунтириш, бу борада ҳуқуқий тарғибот олиб боришнинг самарали воситаларидан унумли фойдаланиш лозимлиги, шунингдек, ҳуқуқшунос мутахассисларнинг нотиқлик малакасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида мулоҳазалар юритилди.

Тадбирда ҳуқуқшунос олимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари томонидан ҳуқуқий тарғибот ишларини янада намунали йўлга қўйишнинг самарали усулларини кенгайтириш, бу борада орттирилган тажрибалар, ютуқ ва камчиликлар тўғрисида фикр-мулоҳаза алмашиниб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Дилором МАТКАРИМОВА, "Инсон ва қонун" мухбири,**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар**





● Ислоҳот

## ҚАМОҚҚА ОЛИШГА

### бу жараёнда судлар қандай

**Маълумки, жорий йил бошидан "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун кучга кирди.**

Мазкур Қонуннинг бош мақсади — шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш, шахсни ҳибсга олишга, қамоқда сақланишига ёки ҳуқуқини чеклаб қўйишга суднинг қарорисиз ҳеч ким ҳақли эмаслиги тўғрисидаги Конституция ва халқаро умумэътироф этилган принцип ҳамда нормаларга мос келадиган, судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш механизмини яратиш, фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини оширишдан иборат.

Жиноят-процессуал кодексининг 243-моддасига мувофиқ қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги прокурор илтимосномаси жиноят содир этилган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси ёхуд округ, ҳудудий ҳарбий судининг судьяси томонидан якка тартибда, ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади. Судья жиноят иши материаллари келиб тушган пайтдан бошлаб ўн икки соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатидан кечиктирмаган ҳолда илтимосномани кўриб чиқиши лозим. Илтимосномани кўриб чиқиши лозим бўлган судья бўлмаган тақдирда (судья меҳнат таътилида ёки касал бўлса, унинг ўрни вакант бўлиб турган ёки судья маслаҳат уйида бўлса ва бошқа ҳолларда) ёхуд илтимосномани кўриб чиқишда айнан ўша судьянинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, илтимоснома киритган прокурор ёзма равишда мазкур суд раисига, агар суд бир таркибли бўлса, юқори турувчи суд раисига мурожаат қилади. Юқори турувчи суд раиси эса ушлаб туриш ёки қамоқда сақлашнинг қонунда белгиланган муддатлари бузилмаслигини таъминлаш мақсадида ушбу мурожаатни зудлик билан кўриб чиқади ва илтимосномани кўриб чиқиш учун жиноят содир этилган ёки жиноят иши тергов қилинаётган ҳудудга яқин жойлашган суднинг судьясига топширади. Илтимоснома прокурор томонидан жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган ҳудуддаги қайси судга тақдим этилганидан қатъи назар, судлар уни судловлилик хусусида тортишувга йўл қўймасдан, шунингдек, илтимоснома қайси вақтда (дам олиш, байрам кунлари, иш вақти тугаганда) тақдим этилганлигидан қатъи назар, қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқишлари лозим.

Айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғриси-

**Адлия вазирлигида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон телерадиоканали "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти бошловчиси Навбаҳор Мамажонова билан учрашув-мулоқот бўлиб ўтди. Н.Мамажонова тезкор хабарларнинг мазмунан тугал бўлиши, уларда томошабинга етарли маълумот бера олиш журналист зиммасига катта масъулият юклашини таъкидлади.**

Хусусан, ҳуқуқий мавзуда лавҳалар тайёрланишида бошловчи муаллифларнинг айнан шу йўналишда

### ҲАЁТ КЎЗГУСИ

маълум даражада билимга эга бўлиши, шу билан бирга суҳбатдош мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини имкон қадар оммага тушунарли тилда ифодалай олишлари кўрсатувнинг таъсирчан ва самарали бўлишини таъминлайди. Зеро, бугунги томошабиннинг диди баланд, талаби юқори. Н.Мамажонова кўрсатув тайёрлаш жараёнининг ўзига хосликлари, сўз масъулияти, нотиқлик маҳорати ҳақида тўхталар экан, интервью берувчи кишилар, айниқса мутахассисларнинг янада фаолроқ бўлиши лозимлигини қайд қилди.

**Дилором ҚЎЗИЕВА**

**Урганчда вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари комиссияси иш режаси бажарилиши бўйича Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар кўлами атрофлича кўриб чиқилди.**

Сўзга чиққанлар ёшларни истиқлолимиз ғоялари руҳида тарбиялашда таълим тизимининг ўрни ва ролига

### ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

алоҳида эътибор қаратдилар. Шу муносабат билан мазкур тизим раҳбарларининг ахборотлари ҳам тингланди.

Мажлис қарорида вилоятда баркамол авлод тарбиясини намунали уюштириш, бу борада республика комиссияси ва Бош прокуратура томонидан ўтказилган назорат тадбирида аниқланган нуқсонларни тезда бартараф этиш, ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш билан боғлиқ вазифалар кўрсатиб берилди.

**Абдулла СОБИРОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

**Сирдарё вилояти адлия бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда хорижий инвестиция асосида фаолият кўрсатаётган корхоналардаги мавжуд аҳвол муҳокама қилинди.**

Айтиш жоизки, айни пайтда қўриқ воҳада 45та қўшма корхона рўйхатга олинган. Лекин уларнинг барчасининг ҳам фаолиятини кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Биргина мисол, "EMEK GULISTAN" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси вилоят адлия бошқармаси томонидан 2008 йил 30 январь куни қайта давлат рўйхатидан ўтказилган ва

### ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ

MCHJ "URSA MINOR" Ўзбекистон — Туркия — Қозоғистон қўшма корхонаси дея эътироф этилган. Вилоят адлия бошқармаси масъуллари шу куннинг ўзидаёқ 93-сонли хат билан бу ҳақда Гулистон шаҳар статистика бўлимига тегишли ҳужжатларни илова қилган бўлса-да, 2008 йилнинг 1 март ҳолатигача вилоят статистика бошқармасининг ягона давлат реестрида ушбу корхона номи эскилигича қолиб кетган. Натижада қонунчиликда белгиланган тегишли асослар бузилган.

Йиғилишда шу каби муаммолар ечими, қолаверса, эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритилди.

**Жамшид ШУКУРОВ, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, кўнгил сўраш халқимизнинг азалий удумларидан ҳисобланади.**

Жиззах вилояти адлия бошқармаси раҳбарияти ҳам кўп йиллар адлия тизимида хизмат қилиб, айни дамда қарилик гаштини сураётган фахрийларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам

### ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, яқинда К.Ҳакимов, С.Мелиев, О.Камолова ва У.Астанов сингари фахрийлар хонадонларига ташриф буюриб, улар аҳволидан хабар олишди ва қимматбаҳо эсдалик совғалари улашди.

**Ў.ЖУРИПОВ, Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходими**



● Адлия аралашгач

## НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВЛАР

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Кейинги вақтларда назорат идоралари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳоллари сезиларли даражада камайган. Бироқ, бу каби қонунбузилиш ҳолатларига тўла барҳам берилди, деб бўлмайди.

Жумладан, Наманган вилоят адлия бошқармаси Уйчи туман ДСИ инспектори М.Мамадалиев томонидан Ўзбекистон Республикаси **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**-ги Қонунига зид равишда "Жасурбек" хусусий фирмасида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатисиз текшириш ўтказилганлигини аниқлади. Ушбу қонунбузилиш ҳолати юзасидан адлия органи томонидан Уйчи туман ДСИ инспектори М.Мамадалиевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2411-моддасига асосан расмийлаштирилган маъмурий баённома жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди томонидан кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарга нисбатан 55 890 сўм миқдорида жарима жазоси белгиланди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларида текшириш ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш мақсадида 2007 йил 8 январда янги таҳрирдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низоми қабул қилинди. Ушбу "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"нинг жорий этилиши текширишлар сонининг йилдан-йилга камайишига ҳамда тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга олиб келди. Ушбу китоб билан ҳозирги кунда 305 мингга яқин тадбиркорлар таъминланди.

Адлия органлари томонидан текширишларни рўйхатга олиш китобининг юритилиши юзасидан ўтказилаётган мониторинг натижалари айрим назорат қилувчи идоралар томонидан ушбу китоб тўлдирилишига етарли эътибор берилмасдан келинаётганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, Тошкент вилояти адлия органи ходимлари томонидан ўтказилган мониторинг жараёнида Бекобод шаҳар ДСЭНМ ходими Ғ.Тангиров "Дента садаф сервис" хусусий фирмасида "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"ни тўлдирмасдан текшириш ўтказганлиги аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолати юзасидан адлия органи томонидан Ғ.Тангировга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судида 2008 йил 18 март куни кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2411-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида жарима жазоси белгиланди.

Иқтисодиётимиз таянчига айланаётган тадбиркор эркин фаолият юритса, ютуқларимиз салмоғи янада ортади. Бу мақсадга эришиш бир томондан давлат идоралари, уларда фаолият юритаётган ходимларга, иккинчи томондан тадбиркорга фақат қонун асосида фаолият юритиш каби масъулиятни англаб етиш ва шу йўлда меҳнат қилишдек масъулиятли вазифаларни юклайди. Бу вазифалар ҳар бир тадбиркор ва ҳар бир давлат идораси ходимининг фаолияти даврида асосий мезон бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

**Азиз ЭРГАШЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими**

● Хўжалик ва ҳуқуқ

## ТАДБИРКОР – ЖАМИЯТНИНГ

**Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси ва иқтисодий эркинлигини таъминлаш тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.**

Бироқ, тадбиркорлар ўзларининг ана шу ҳуқуқларидан тўла фойдалана олаяптиларми? Уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги нечоғли? Тадбиркорлар ва назорат қилувчи идоралар ўртасидаги муносабатларда янгиланиш ва мукаммалликка эришилаяптими?

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш эканлигини алоҳида таъкидлади. Самарқанд вилояти адлия ходимлари маърузада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, улар тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўришмоқда.

Бошқарманинг иш режасига асосан жойлардаги аҳвол ўрганилганда 2007 йилда 3811 та ҳолатда аниқланган қонунбузарликларнинг аксариятига жойида барҳам берилди.

Шунингдек, ўтган йили тадбиркорларнинг 926 та ариза ва шикоятлари қонуний ҳал этилди. Жумладан, "Баҳодир-А" хусусий фирмаси раҳбари А.Маматқуловнинг мурожаати бўйича бошқарма томонидан киритилган тақдимнома ижроси натижасида "Косон нефть-газ қидирув экспедицияси" унитар шўъба корхонасининг тадбиркор олдидаги 358,7 миллион сўм кредитор қарзи тўлаб берилишига эришилди.

Гарчи, кейинги йилларда мамлакатимизда бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда фаолиятини тўхтатиш ҳамда тугатиш жараёнлари соддалаштирилган ва тартибга солинган бўлсада, айрим туманларда бу тартиб қўпол равишда бузилмоқда. Масалан, Қўшработ тумани тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан "Madadkor universal savdo" масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказишда қонун ҳужжатларида белгиланмаган бир нечта ҳужжатлар ортиқча талаб қилинган. Шунингдек, айнан шу каби ҳолат "Affa story plus servis" ҳамда "Ta'minot tayyorlov savdo" масъулияти чекланган жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказишда ҳам такрорланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Натижада тадбиркорларга етказилган маънавий зарар ундириб берилди.

# кафолатини таъминлаш давлат аҳамиятига молик сиёсатдир

**Бош прокуратураси, Олий суди, Олий хўжалик суди, Ички ишлар вазирлиги ўртасида жамиятда тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида тайёрланди.**

## САНКЦИЯ БЕРИШ

### ҳуқуқий асосларга таянади

даги илтимосномани суд мажлисида кўриб чиқиш тартиби айнан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартибига ўхшайди. Бу жараённинг қамоққа олишга санкция беришдан фарқи шундаки, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида кўриб чиқилиши керак.

Қонунга биноан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини



узайтириш тўғрисидаги илтимоснома судья, прокурор, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи, қонуний вакил (агар ишда қатнашаётган бўлса) иштирокида кўриб чиқилади. Ҳар икки илтимосномаларни кўриб чиқиш жараёнида зарурат туғилганда терговчи ҳам таклиф қилиниши мумкин.

Борди-ю, ишда Жиноят-процессуал кодексининг 20, 51-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд мажлисида таржимон ва ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласини ҳал этишда жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, мутахассис, экспертлар ва ҳоказоларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш жараёнида тарафларни суд мажлисига чақириш масаласи ҳам ишни судда кўриш жараёнидан бироз фарқ қилади.

Хулоса қилиб айтганда, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгач, бу борада ошкоралик ва адолат тамойили таъминланди. Гумонланувчи ёки айбланувчи ҳимоячиси билан иштирок этиш имкониятига эга бўлди, қарор устидан шикоят бериш ҳуқуқи вужудга келди. Бунинг самараси ўлароқ, келгусида халқаро тажрибаларга асосан қамоққа олиш ҳолатлари камайиб, қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла жавоб берадиган даражага етади. Негаки, инсонпарварлик сиёсати аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган қадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас қисми, энг асосийси, ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги энг катта муваффақиятимиздир.

**Ваҳобжон СИДДИҚОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Фарғона тумани судининг**
**раиси**

● Сўраган эдингиз

## ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, КАФОЛАТ

***— Таълим кредитлари нима ва у қанча муддатларга берилади?***

**Р.ДАВРОНОВ,**
**Шаҳрисабз тумани**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган **"Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"**ги Низомининг 3-бандига асосан, тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилиши мумкин бўлган кредит тушунилади.

Таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача муддатга берилади.

***— Яқинда ҳарбий хизматдан қайтдим. Ишга жойлашишим учун қўшимча кафолатлар мавжудми?***

**Э.ҚОДИРОВ,**
**Қарши тумани**



— Меҳнат кодексининг 68-моддасига кўра, ҳарбий хизматга чақирилган ходим захирага бўшатилган ёки истеъфога чиққанидан кейин Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ишга жойлашиш масаласида иш берувчига мурожаат этган бўлса, аввалги иш жойига жойлашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳарбий хизматга чақирилган, лекин кейинчалик захирага бўшатилган ёки истеъфога чиққан ходим, агар унинг ҳарбий хизматга чақирилган кунидан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, аввалги иш жойи (лавозими)га қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

Корхона қайта ташкил этилганида ҳарбий хизматдан бўшатилган шахсларни ишга жойлаштиришни унинг ҳуқуқий вориси, корхона тугатилганида эса маҳаллий меҳнат органи амалга оширади.

Ходимларга ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган кафолатларни бериш мумкин бўлмаган ҳолларда, маҳаллий меҳнат органи ишга жойлаштиришни, зарур ҳолларда эса касби бўйича бепул ўқитишни таъминлайди.

***— Айтингчи, таълимнинг қандай турлари меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади?***

**К.ОМОНОВА,**
**Нишон тумани**

— **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги Қонуннинг 37-моддаси, "е" бандига кўра, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ҳамда янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курсларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

**Саволларга**
**Қашқадарё вилояти**
**адлия бошқармаси ходими**
**Рисолат АБДУЛЛАЕВА**
**жавоб берди**

## ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

**Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, адлия бошқармаси ходимлари ва вилоятдаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида навбатдаги ўқув-семинар ташкил этилди.**

Йиғилишда оиланинг жамият ҳаётида тутган муҳим ўрни, Оила кодексининг мазмун-моҳияти, ёш авлодни жисмоний ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш борасида давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир Президентимиз томонидан қабул қилинган 2007 йил 18 майдаги Фармоннинг ижроси ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Шунингдек, семинар иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Эркиной ПАРДАЕВА,**
**Сурхондарё вилояти адлия**
**бошқармаси**
**ходими**

## ҲОКИМЛИКДА МУЛОҚОТ

**Бухоро вилояти адлия бошқармаси Жондор тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунларини тарғиб қилиш мақсадида семинар-мулоқот ташкиллаштирди.**

Сўзга чиққанлар суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар биринчи галда жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали қонуний ҳимоялашни, жиноий жазоларни либераллаштиришини таъкидлашди.

**Зафар ТАИРОВ,**
**Бухоро вилояти адлия**
**бошқармаси масъул ходими**

## КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

**Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан Балиқчи тумани ҳокимлигида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳаётимиз кафолати" мавзуида йиғилиш ўтказилди.**

Унда мустақил давлатимиз ҳуқуқий тизимининг шаклланишига асос бўлган ва жамиятдаги барча муносабатларни демократик тарзда тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида сўз юритилиб, Қомусимизнинг дунёдаги энг ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибасига, жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда ишлаб чиқилганлиги, халқимиз меҳнати, руҳи, ўзига хослиги ва унинг ўтмишдаги анъана ва урф-одатларини ўзида мужассам этганлиги яна бир бор эътироф этилди.

**Камолиддин**
**ЖАМОЛИДДИНОВ,**
**Андижон вилояти адлия**
**бошқармаси**
**ходими**

## НОТАРИУСЛАР СЕМИНАРИ

**Фарғона вилояти адлия бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 февралда қабул қилинган "Давлат божи ставкаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори ва мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, "Ўзавтосаноат" уюшмаси ўртасида имзоланган қўшма кўрсатма муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Тадбирда юқоридаги ҳужжатларнинг амалиётда қўлланиш тартиби ва бу борада келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш масаласи ҳақида келишиб олинди.

**Абдуҳаким ЗУЛФИҚОРОВ,**
**Фарғона вилояти адлия**
**бошқармаси ходими**

## УСТУНИ

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Сирасини айтганда, 2007 йилда тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва тиклаш жараёнида судлар орқали уларга жами 4,9 миллион сўмлик маънавий зарар ундириб берилди.

Вилоят бошқармасининг "Ишонч телефони"га ўтган йил мобайнида 169 та мурожаат бўлди ва уларнинг барчаси қонуний ҳал этилди. Хусусан, Оқдарё туманида яшовчи фуқаро С.Умаровнинг фермер хўжалиги ташкил этиш учун унга ер майдони ажратишни расмийлаштириш туман ҳокимлиги томонидан пайсалга солинаётгани тўғрисидаги мурожаати бошқармамиз ходимлари томонидан ўрганилди. Бунда фуқаро С.Умаровнинг танловда ғолиб бўлгани аниқланди. Шу боис мазкур ҳолат юзасидан Оқдарё тумани ҳокими номига ер майдони ажратиш ва фермер хўжалиги ташкил этишни қонуний ҳал қилиш тўғрисида ёзма кўрсатма киритилди. Натижада "Холиқов Мардон Собир" фермер хўжалигини ташкил этиш ҳамда 10,7 гектар ер майдони ажратилиши ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши таъминланди.

Умуман, ўтган йили жойларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида 1028 та тақдимнома ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича 260 та ёзма кўрсатма киритилди. Мана шундай ҳолатларнинг вужудга келишига сабабчи бўлган 1067 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. Бундан ташқари, айбдорларнинг 654 нафари интизомий жавобгарликка тортилди, 83 нафари вазифасидан озод қилинди. Тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари фойдасига қарздор ташкилотлар ҳисобидан 3,9 миллиард сўм маблағ ундирилишига эришилди.

Гап тадбиркорлар манфаати устуворлиги ҳақида борар экан, бевосита улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга киритилган даъво аризалари хусусида ҳам тўхталиш керак. Бу борада бошқармамиз жойларда ўтказилган ўрганишлар ва келиб тушган мурожаатлар асосида ўтган йилнинг ўзида жами 2 миллиард 781 миллион 640 минг сўм миқдоридаги маблағни қонуний эгаларига ундириб бериш бўйича судларга 1553 та даъво аризалари киритди. Бу даъво аризаларининг 1537 таси судлар томонидан кўриб чиқилди ва қаноатлантирилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол қилганлик учун мансабдор шахслар қонун олдида жавобгар эканлигини асло унутмаслик керак. Текширишлар натижасига кўра, ваколатли органларга берилган таклифларга асосан тадбиркор ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйган 53 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка, 7 нафар айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Текширишларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузганлиги учун суднинг қарорига асосан Тайлоқ туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази ходими А.Рўзиқулов 108675 сўм миқдорида маъмурий жарима тўлашга мажбур бўлди.

Хуллас, вилоятда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда улар улушини ошириш ва албатта, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўзланган мақсадга эришилаяпти, десак муболаға бўлмайди.

**Алишер МАРДИЕВ,**
**Самарқанд вилояти**
**адлия бошқармаси бошлиғи**

● Ички ишлар идораларида

## МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

**Ёшлар орасида турли кўринишдаги ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, ўқув муассасаларида хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимлари кенг қамровли ишларни амалга оширмоқдалар.**

Жумладан, ИИВ Тергов Бош бошқармаси томонидан жорий йилнинг март ойида Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент Ислом университети, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент Давлат маданият институти талабалари билан қонунчилик тарғиботи, жиноятчилик ва унинг ҳуқуқий оқибатлари мавзуида кўплаб учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида олий ўқув юртлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ташкилот ва муассасаларда тергов идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари билан биргаликда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишнинг салбий оқибатлари мавзуида 1600 га яқин учрашув-мулоқотлар уюштирилди.

Вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилиши натижасида қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилиш мураккаб жараён эканлигини ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари яхши билади. Албатта, тергов давомида ёш ўсмирнинг жиноят йўлига кириб қолиш сабаби, мавжуд ҳолатлар чуқур таҳлил қилинади. Лекин уларнинг ота-оналари ўз ўғил-қизларига етарли эътибор беролмаганлиги сабабли фарзандининг ички ҳис-туйғулари билан боғлиқ саволларга жавоб топиш қийин кечади.



*Суратда: Ғиждувон туман ИИБ тергов бошқармаси терговчиси А.Ашуров «Бобур» номидаги МФЙда ёшлар билан суҳбатлашмоқда.*

Ургутлик 10-синф ўқувчиси Зарнигор исмли қиз қўшни республикада яшовчи Раъно исмли аёл билан танишиб қолади. Зарнигор Раънодан героин гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида олиб келаётганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланган. Тергов жараёнида Зарнигорнинг ота-онаси унинг нима учун бу каби оғир жиноятни содир этганига ҳайрон бўлиб қолишганини билдиришган.

Яна бир мисол. 19 ёшли Жамолиддин исмли навқирон йигит жиноий йўл билан пул топиш мақсадида ўз ҳаётини хавф остига қўяди. У ичида жами 455 грамм миқдордаги героин капсулаларини ютиб, Россия Федерациясига транзит йўли орқали "Хўжанд-Саратов" йўналиши бўйича қатновчи поездда ташиб ўтмоқчи бўлганида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходимлари томонидан ушланган.

Албатта, ота-оналар ўз фарзандларини эътиборсиз қолдирмасликлари, уларнинг феъл-атвори, қарашларига лоқайд бўлмасликлари лозим. Бинобарин, ёш авлод тарбияси учун нафақат ота-оналар, балки бутун жамият масъул эканлигини унутиб бўлмайди.

**Сарварбек УСМОНОВ,**
**Республика ИИВ**
**Тергов**
**бош бошқармаси**
**матбуот котиби**

● Талқин

# СУД ҚАРОРИ

## муҳокама этиладими?

**Мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Чунончи, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Тан олиш жоиз, эндиликда турли жабҳаларда ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган аёллар кўпчиликни ташкил этади.**

Бироқ кундалик турмушда сидқидилдан меҳнат қилаётган аёл фаолиятига тўсқинлик қилувчилар ҳам оз бўлса-да, учраб туради.

Матлуба Каримова молия тизимида 1980 йилда ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. Унинг фидокорона меҳнатлари ҳамкасблари томонидан алоҳида эътироф этилиб, 1994 йилда Жиззах шаҳар молия бўлими мудири лавозимига тайинланади. Бироқ ўша кезда айрим раҳбарларнинг ғайриқонуний топшириқларини бажармаган М.Каримова 1999 йилда эгаллаб турган лавозимидан озод этилади. Шундан сўнг у ишга тиклашларини сўраб, Жиззах шаҳар судига мурожаат этади. Суд М.Каримовани ишга тиклаш тўғрисида ажрим чиқаради. Афсуски, Матлуба Каримова ишга тикланиш ўрнига баттарроқ тўсиқларга дуч келади. Яъни, 2000 йилнинг 10 февралида ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилади. Ҳайратланарлиси шундаки, "айбланувчи"нинг шаҳар кенгаши депутати эканлиги ҳам эътиборга олинмайди. М.Каримова "терговдан қочиб яширинган" деган сохта айблов билан қамоққа олинади. Шўрлик аёл қарийб беш ой мобайнида панжара ортида азият чекади.



Турли идораларга адолат излаб, мактуб йўллайди. Энг ажабланарлиси, Жиззах туман суди 2000 йил 17 июнда ишни кўриб Жиноят процессуал кодексида бўлмаган, жуда антиқа ҳукм чиқаради: М.Каримова айбдор деб топилади ва қамоқда ўтирган кунлари пулга чақилиб(?), жаримага тортилади ва... суд залидаёқ қамоқдан озод этилади. Хуллас, аёл яна ҳақиқат излашга, топталган ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун курашга отланади. Ва бу кураш... қарийб етти йил давом этади. Бу давр мобайнида Матлуба опа не-не идоралар эшигини қоқмади, дейсиз?! Ва ниҳоят, 2006 йилнинг 31 октябрида жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят кассация ҳайъатининг ажримига кўра, М.Каримова қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги туфайли айбсиз деб топилиб, реабилитация қилинади. Минг машаққатлар билан ўз номини оқлашга муваффақ бўлган аёл 2006 йил 15 декабрида вилоят молия бошқармаси бошлиғи номига ишга тиклаш ҳақида ёзма ариза беради. Афсуски, бу аризага ҳанузгача тайинли жавоб берилгани йўқ. Матлуба опа эса... яна судга мурожаат қилишга мажбур бўлади. 2007 йил 16 февраль куни фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ҳал қилув қарорига мувофиқ, М.Каримовани Жиззах шаҳар молия бўлими мудираси лавозимига ишга тиклаш ва шу муносабат билан меҳнат дафтарчасига тегишли ёзув киритиш мажбурияти Жиззах вилояти молия бошқармасига юклатилади. 2007 йил 6 март кунига қадар ижро этилиши лозим бўлган суд қарори ҳанузгача ижро этилмагани ҳар қандай кишини тааажжубга солади. Албатта, Матлуба опа бунга томошабин бўлиб тургани йўқ. У суд ижрочилари бўлинмаси бошлиғи номига вилоят молия бошқармаси мутасаддиларига нисбатан Жиноят кодексининг 232-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиши чораси кўрилишини сўраб, мурожаат этади. Афсуски, бу мурожаат ҳам жавобсиз қолиб кетади. М.Каримова эса турли идораларга елиб-югурса-да, тайинли натижага эриша олмайди. Шу ўринда Жиззах шаҳар прокуратурасининг 2007 йил 14 июлдаги жавобига эътибор қаратайлик: "... **Суд қарорига асосан Жиззах шаҳар ҳокимининг 2007 йил 22 июндаги қарори билан М. Каримова Жиззах шаҳар молия бўлими мудири лавозимига тикланган ва ушбу қарор Халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашининг сессияси тасдиғига киритилган. Учинчи чақириқ халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашининг 2007 йил 25 июндаги ўн биринчи сессиясида Жиззах шаҳар ҳокимининг 835-сонли қарори рад этилган ва М.Каримовани шаҳар молия бўлими мудири лавозимига тасдиқламаслик тўғрисида 51-11-3-сонли қарор қабул қилинган..."**.

Ажабо, Халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашига суд қарорини муҳокама қилишдек ваколат берилганмикин? Ваҳоланки, Конституциямизнинг 114-моддасида **"Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир"**, дея белгилаб қўйилган-ку.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА, "Инсон ва қонун" мухбири**

● Жиноят жазосиз қолмайди

# БАДНАФСЛИК



## ёхуд қимматга тушган текин даромад

**Бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган Ҳамида негадир безовта эди. Шунданми, "Иноят-инвест" масъулияти чекланган жамият ҳудудини кўздан кечирди. Автомобилларнинг газ қуйиш компрессорига уланган қувур жойлашган ерда тўхтаб ниманидир чамалай бошлади. Қувурга авария ҳолати учун ўрнатилган бойпас ёпқичини у ёқ-бу ёғини қараб кўрди-ю, излаган нарсасини топгандай бўлди.**

"Ҳисоблагичдан ўтган газнинг ўлчови бор, — ўйлади у, — шуни ҳисоблагичга етмасдан туриб олишнинг бир йўлини топиш керак-да. Бойпас ёпқичи кўздан панада, қувурнинг шу еридан "қайнар хумча" очиб бўлмасмикин?..."

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний шаҳрида туғилган Ҳамида Аметова 2003 йилнинг июнь ойидан Урганч туманидаги мазкур жамиятда бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган эди. Уч-тўрт йил ичида ҳамма нарсани миридан-сиригача биладиган, ишда ҳам энди анча тажрибали бўлиб қолганига шубҳа қилмасди. Бош ҳисобчи бўлгани боис ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби ўзимда-ку, деб ўйларди у. Фақат шу газ тушмагурни "сув текин" қилиб қўйишнинг иложини топса бас. Ҳ.Аметова жамият чилангари Икром Қадамов (Урганч туманидан), операторлар Айбек Хидирбаев, Зайр Ержановлар (иккаласи ҳам Беруний шаҳридан) билан маслаҳатни бир жойга қўймоқчи бўлиб, уларга сўз очди.

Икром Қадамов бу гапни эшитиб тешик очиш усуллари борлигини, бирор устахонада буни амалга ошириш мумкинлигини айтиб қолди. Хуллас, тузуккина ишлаб юрган бу ходимлар тез орада қинғир ишнинг устасига айланди-қўйди. Текин даромад илинжида ўзаро тил бириктирган "устамон"ларга бойпас ёпқичи "ёпиқлиқ қозон" бўлиб кўринди чоғи, унда ҳисоблагич билан ҳисоблашиб ўтирмайдиган иккита тешикча пайдо бўлди. Қарабсизки, 2006 йил декабридан 2007 йилнинг 19 мартигача ҳар бири 20 миллиметр катталикдаги "ўғри тешикча"лар орқали нархи 408 минг 700 куб метр табиий газни "сув текин" ўмаришди. Яъни, давлат мулки бўлган 77 миллион 653 минг сўмлик ёқилғи маҳсулотини биргаликда талон-торож қилдилар. Операторлар А.Хидирбаев, З.Ержановларнинг ҳам қўли-қўлига тегмасди. Албатта, улар бу хатти-ҳаракатлари қонунга зид эканлигини билишарди, лекин текин даромад истаги, нафс уларнинг кўзига парда тортгандай эди. Ҳ.Аметова бош ҳисобчи сифатидаги ишларни ўлда-жўлда қилишга одатланди. Айтайлик, бош ҳисобчи давлатга тўланадиган ягона солиқ ҳиссасига бўлган 8 миллион 100 минг 900 сўм, жисмоний шахсларнинг транспортларига сарфланган газ истеъмол солиғидан 22 миллион 350 минг сўм, жами 30 миллион 450 минг 900 сўмлик солиқларни ўз вақтида тўлашдан қочиб, давлатга кўп миқдорда зарар етказди. Бунинг устига 2006 йил декабрь ойидан жамиятда текширув бошланган кунгача, яъни 2007 йил 4 апрелга қадар жамият ишчиларининг 2.556.500 сўмлик иш ҳақларини тарқатишни ҳам "унутиб" юборди. Дарвоқе, Ҳамида оилали, икки нафар фарзанднинг онаси, ойлик маошларнинг вақтида олиниши оила учун нақадар муҳимлигини яхши тушунади. Қолаверса, бу иш унинг хизмат масъулиятига киради.

Қинғир ишларга машғул бўлиб қолган бош ҳисобчини на давлатга етказилаётган зарар, на бошқаларнинг ўз маошини ололмай сарсон бўлаётгани ташвишга солади. Таассуфланарлиси шундаки, айбдорларнинг бирортаси газ билан боғлиқ бу ноқонуний ҳолат ҳақида мутасадди кишилар ёки тегишли жойларга айтиб, ўз вақтида бунга чек қўйилишига ҳаракат қилмади. Аксинча, иш хамирдан қил суғургандай кетаётганидан бамайлихотир эдилар.

Лекин кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, кўп ўтмай жиноятчиларнинг қилмишлари фош бўлди, оқибатини ўйламай босилган қадам уларни суднинг қора курсисига етаклади. Судда бу ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг сабаблари сўралганда, И.Қадамов мазкур жамият директори И.Машарипов газ қувурига ўрнатилган кран ёпқичида тешикча очиб, шу орқали газдан фойдаланиш мумкинлигини айтгани, унинг кўрсатмаси билан бундай ишга қўл урилгани, А.Хидирбаев ва З.Ержановлар сотилган газга нисбатан пул тушуми кўпроқ бўлиб, ортиқча пулларни жамият директорига топшириб келганларини айтишди. Эмишки, директор бу пулларга жамият учун зарур нарсалар харид қилишини айтган. Судда етарли асосларга эга бўлмаган бу важлар рад этилди.

Суд Ҳ.Аметова, И.Қадамов, А.Хидирбаев ва З.Ержановларнинг жиноий қилмишларини мансаб мавқеларидан фойдаланган ҳолда содир этганликларини қайд қилиб, Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан зарур жазо чораларини қўллади. Ушбу ҳолат бўйича судланувчи шахслардан давлат фойдасига 77 миллион 653 минг сўмлик зарар ва 30 миллион 450 минг сўмлик тўлов ундириб олинди.

Шу билан бирга Ҳ.Аметова энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миқдорида, И.Қадамов, А.Хидирбоев, З.Ержановларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 150 баравари миқдорида жаримага тортилди. Судлов ҳайъати "Иноят-Инвест" МЧЖ томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келинганлиги учун корхонадан талон-торож этилган сумманинг 10 баравари, яъни 776 миллион 530 минг сўм миқдорида молиявий жарима ундиришни лозим топди. Хоразм вилоят МХХ бошқармаси депозит ҳисобида сақланиб турган 77.653.000 сўмлик маблағ давлат ҳисобига ўтказилди.

Қинғир йўллар билан осонгина даромад топиш пайига тушган, ўзига ишониб топширилган вазифасида суиистеъмолчиликка йўл қўйган кимсаларнинг қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Сўнгги пушаймон эса ҳеч кимни жавобгарликдан халос қилмайди.

**Марат БЕКЖОНОВ**

Манба: Region.uz


**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**
**Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежининг**

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари бўш лавозими учун танлов эълон қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

**Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

*1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;*
*2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;*
*3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);*
*4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);*
*5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;*
*6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).*

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

**Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел. 233-50-17**

**ЭЪЛОН!**

***Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари судьялари малака ҳайъати "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги Низомга асосан фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти ҳамда туманлараро судлари судьялиги лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириб келмоқда.***

Ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судида икки нафар судья лавозими бўш (вакант) ҳисобланиб турганлиги ва ушбу бўш жойларни тўлдириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари судьялари малака ҳайъати томонидан ушбу лавозимларга ҳамда илк бор судьялик лавозимига номзодлар захираси шакллантирилаётганлиги муносабати билан ҳуқуқшунослар судьялик лавозими захирасига ўз номзодларини қўйишлари мумкин.

Ушбу вакант ўринларга ўтиш ҳамда захирага туриш истагини билдирган 25 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари судьяликка тавсифловчи ҳужжатларини малака ҳайъатига тақдим этишлари мумкин.

***Номзодлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:***

*1. Сўровнома;*
*2. Таржимаи ҳол;*
*3. Диплом нусхаси (нотариал тасдиқланган ҳолда);*
*4. Меҳнат дафтарчаси нусхаси (иш жойидан тасдиқланган ҳолда);*
*5. Иш жойидан тавсифнома;*
*6. Паспорт нусхаси.*

***Ушбу масала юзасидан аризалар фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судида қабул қилинади.***

**Манзил:** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 68-уй.
Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг биноси.
Тел: 8-376-227-69-00.

**Фарғона вилоят адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 19 мартдаги қарорига асосан Охунбобоев тумани давлат нотариал идораси нотариуси Мирбоқиева Сайёра Мирсалимовнага 1997 йил 8 июль кунида берилган FE 000007 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2 (икки) ой муддатга тўхтатилди.**

**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 10 апрель кунги №10-сонли қарорига асосан Самарқанд шаҳридаги «Аман» адвокатлик фирмасининг собиқ адвокати Шерматов Холбой Пўлатович номига Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан 1999 йил 8 январь куни берилган SA 000295 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди.**



*"Ўзсаноатқурилишбанк"-нинг Тошкент вилоят минтақавий филиали*

*азиз юртдошларимизга ўзининг янги ва қулай хизматларини таклиф қилади.*



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан омонатга қўйилган пул маблағларининг сир сақланишини кафолатлайди.*

**ЭЪЛОН!**

**Фарғона вилояти адлия бошқармаси Қува тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;**

**Жиззах вилояти адлия бошқармаси Жиззах тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;**

**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Пастдарғом тумани 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.**

**Фарғона вилояти адлия бошқармаси телефони: (8373) 224-46-33.**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8372) 226-35-81, 226-39-22**
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8366) 233-71-57, 233-13-59.**

TURON BANK

**Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган «Полиграф Сомон йўли» масъулияти чекланган жамияти тугатилди.**

**Даъвогарлар бир ой ичида қабул қилинади.**


Жиззах вилояти адлия бошқармаси жамоаси Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи Собиржон Эргашевга падари бузруквори

**Неъмат отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Маматов Шоди Суюнович
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-315. Тиражи — 12988. t — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.

Тел: 233-84-50, Факс: 233-65-99.

1 2 3 4 5 · 7 8